



THE IMPORTANCE OF TOPOONOMIC DATA IN THE RESEARCH OF THE HISTORY OF KASHKADARYA IN THE LATE 19TH – EARLY 20TH CENTURIES

J. P. Berdiev

*PhD, associate professor
Karshi State University
Uzbekistan, Karshi*

ABOUT ARTICLE

Key words: Kashkadarya oasis, turkic peoples, Karshi beglig, settlements, Uzbek population, Uzbek toponymy

Received: 10.12.24

Accepted: 12.12.24

Published: 14.12.24

Abstract: This article discusses the importance of topographical information in the history of Kashkadarya in the late 19th – early 20th centuries, as well as the location of clans and tribes in the oasis, and issues of their social life.

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ТАРИХИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ТОПОНОМИК МАЪЛУМОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ж. П. Бердиев

*PhD, доцент
Қарши давлат университети
Ўзбекистон, Қарши*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Қашқадарё вохаси, туркй элатлар, Қарши беклиги, аҳоли масканлари, ўзбек аҳолиси, ўзбек топонимияси

Аннотация: Ушбу мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Қашқадарё тарихини тадқиқ этишда топономик маълумотларниң аҳамияти, шунингдек, воҳа худудида уруғ-қабилаларниң жойлашуви, уларниң ижтимоий ҳаёти масалалари ҳақида сўз юритилади.

ВАЖНОСТЬ ТОПОНОМИЧЕСКИХ ДАННЫХ В ИССЛЕДОВАНИИ ИСТОРИИ КАШКАДАРЬЯ В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ

Ж. П. Бердиев

*PhD, доцент
Каршинского государственного университета
Узбекистан, Карши*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Кашкадарьинский оазис, тюркские народы, Каршинский бекства, поселения, узбекское население, узбекская топонимика

Аннотация: В данной статье рассматривается значение топографической информации в истории Кашкадарья конца XIX – начала XX веков, а также расположение родов и племен на территории оазиса, вопросы их общественной жизни.

КИРИШ

Минтақанинг қадимги кўчманчи этнослари билан бирга уларнинг ворислари бўлган туркий элатлар – қарлук, ўғуз ва қипчоқ қабила-уруғларининг салмоғи Амударё – Сирдарё оралиғида, шу жумладан, Қашқадарё воҳасида асрлар ўтган сари орта боради. Сўнгти ўрта асрларда, айниқса, XIX аср охири – XX аср бошларида воҳа билан боғлиқ равишда турли манбаларда ўрин олган воҳа этнотопонимларининг таркиби ҳам буни кўрсатиб турибди [1]. Хусусан, воҳанинг Қарши, Шахрисабз, Ғузор, Касби каби бир неча шаҳарлари ва нисбатан қадимий ва йирик қишлоқларида ўзбек тилининг қарлук лаҳжаси кенг муомалада бўлса, воҳанинг чўл ва дашт қисмларида – асосан Чироқчи, Яккабоғ ва Ғузор бекликларида, қисман эса Қарши ва Шахрисабз бекликларидаги нисбатан кичикроқ қишлоқларида ўзбек тилининг асосан қипчоқ лаҳжаси, Қарши беклигининг ғарбий қисмидаги қишлоқларда ўғуз лаҳжаси (туркман) ёки уларнинг элементлари учраши кўзга ташланади [2].

АСОСИЙ ҚИСМ

Қашқадарё воҳасида ўзбекча топонимлар қўламининг ортиши кўпроқ сўнгти ўрта асрларга тўғри келади. Айниқса, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Бухоро амирлиги даврида Қашқадарё воҳасида кўпчилиги қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи кўчманчи ўзбек уруғларининг микдори ошади. Буни воҳанинг деярли барча қисмида – Юқори Қашқадарё (Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ ва Чироқчи бекликлари) ва Қўйи Қашқадарё (Қарши, Ғузор бекликларида) ўзбек уруғлари номлари билан аталувчи юзлаб қишлоқлар вужудга келади [3]. Айниқса, Қарши беклиги маркази Қарши шаҳри ва унинг атрофларида манғит уруғи билан боғлиқ ўнлаб аҳоли масканлари пайдо бўлади.

Қашқадарё воҳасининг ўзбек аҳолиси билан боғлиқ топонимларининг барчаси ҳам туркий тил (ўзбекча) негизда бўлмай, эроний (суғдий, форс-тожик), араб ва мўғул тилларига хос номлар билан аталадиган қишлоқларда ҳам асосан ўзбеклар, қисман эса тожиклар ва араблар яшайдилар. Масалан, туркийча ном деб қараладиган Касби туманидаги Қамаши қишлоғи аҳолисининг катта қисмини тожиклар ташкил этиши билан бирга ўзларининг келиб чиқишини ўзбекларнинг “кийикчи” уруғи билан боғлайдиган ўзбек тилли аҳоли ҳам яшайди. Ушбу туманнинг йирик аҳоли масканларидан Жейнав, Кўхна

Фазли қишлоқларида асосан тожик ва ўзбек тилли, қисман арабча сўзлашувчи араб аҳоли истиқомат қиласиди [4].

Қизиги шундаки, келиб чиқиши сүғдийча бўлган Қашқадарё воҳаси аҳоли масканларининг сезиларли бир қисмида ўзбеклар, бир қисмида эса тожиклар яшаб келадилар. Масалан, Қарши шаҳри атрофидаги Худойзод (сүғдий “худой” (эга, хукмдор) + зод (авлод)”, яъни “хукмдор авлоди”), Ғубдин (сүғдий “ғув” – “ҳоким” ёки “куҳ” - тоғ), Мағзон (сүғдий Марғзор “яйлов, ўтлок”), Майманақ (сүғдий Маймурғ “марғзор, ўтлок”), Бешкент (сүғдий Фижкас “Олд қишлоқ”) ва ҳоказоларда [5] бугунги кунда ўзбек тилли аҳоли яшайди.

Қашқадарё воҳаси ўзбек топонимиесида қўпгина *-боғ* (Алачабоп – Косон т.), *-дўз* (Музадўз, Чодирдўз, Махсидўзон), *-зор* (Лолазор, Гулзор), *-каш* (Аравакаш, Читкаш), *-гар*, *-кор* (Чармгар – Қарши ш.), *-соз* (Кутисоз, Аравасоз), *-истон* (Ғармистон – Ғузор т.) каби форс-тожик тилидан ўзлашиб қолган аффикслар мавжуд [6]. Ушбу аҳоли масканарининг бир қисми ўзбек, бир қисми араб, бир қисми эса тожик тилли аҳолидир. Шуниси маълумки, ўзбек тилига қўпгина тожикча сўзлар, юқорида келтирилган форс-тожикча аффикслари билан биргалиқда ўзлашган бўлиб, ўзбек аҳоли ўзларининг янги қишлоқ ва маҳаллаларига асос солар экан, шундай номлаганлар. Яъни форс-тожикча ёки арабча топонимлар ҳосил бўлишида айнан ушбу халқларнинг тўғридан-тўғри иштироки бўлмаса-да, асрлар давомида бу сўзларни ўздаштирган ўзбек аҳоли ўзлари асос солган қишлоқларига шундай номлар берган бўлишлари табиий.

Ўзбекистон худудидаги тожикча географик номларни луғат ёрдамида аниқлаш имкони бор. Шу билан бирга, ўзбек тили лексикасида аҳолининг ижтимоий-маший ҳаёти билан боғлиқ “бозор”, “тўзар”, “шанба”, “чоршанба” ва шунга ўхшаш тожикчадан ўзлашган сўз ва сўз бирикмалари учраб, уларга қараб шу ном билан ясалган аҳоли масканларининг қайси халқقا мансуб эканлигини маҳсус тадқиқотлар олиб бормасдан аниқлаш қийин.

Топонимларни ўрганишда лингвистик усуллардан ҳам кўплаб ўринларда самарали тарзда фойдаланилади. Ҳусусан, Ўзбекистон топонимиесидаги форс-тожикча топонимларни, қисман, интролингвистик далилларга таяниб аниқлаш мумкин. Жумладан, Жуйнав ёки Женав (жуй - и + нав, яъни “жуй” – ариқ, нав “янги, яъни “янги ариқ”) [7], Ҳарамжуй (ҳарам + жуй “арик”), Афғонбоғ (“афғон аҳоли яшаган боғ-роғли жой), ва ҳ.к. топонимлар таркибида учрайдиган тожикча *“-и”* изофаси туркий тилларда учрамаса-да, сўнгти ўрта асрларда уларнинг бир қисмида ўзбек аҳолининг яшагани маълум. Бундан ташқари, Шайхали, Хўжа-қарлук, Хўжа-Муборак каби топонимлардаги *“иҷтимоий тоифа + шахсий ном”* кўринишидаги структуравий моделларга эга бўлган мураккаб ва уюшган

топонимлар ҳам араб-форс, форс-тожикча ҳамда араб-форсий-туркий (ўзбекча) сўзлар бирикишидан ташкил топган [8].

Туркий топонимларга хос бўлмаган Қашқадарё топонимиасидаги айрим Шаматон (Шаҳрисабз т.), Оброн (Косон т.), Мирмирон (Қарши т.), каби кўплик ясайдиган топоформантлар ҳам номнинг форс-тожик тилларига мансуб эканлигини билдирувчи далиллар бўлса-да, ушбу қишлоқлар аҳолиси асосан ўзбеклардир [9].

Ўзбекистон аҳолиси орасида XIX аср охири – XX аср бошларига қадар ҳалқлар, қабилалар, уруғлар, территориал ва қасб-корлик гурухлари ҳамда бир қанча шунга ўхшаш ижтимоий гурухларга бўлинниб, ажralған ҳолда яшаш анъанаси мавжуд бўлган. Аҳоли гурухлари бирор ном билан аталиб, ўзлари мансуб бўлган гурухлари билан яшашга мойил бўлганлар. Кўплаб ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман ва қирғиз уруғлари ўз уруғдошлари билан бир ҳудудда яшашга интилганлар, яъни улар уруғ – қабила принципида жойлашган. Ҳар бир кичик қишлоқ ёки овулда битта-иккитадан патриархал гуруҳ (уруғ тармоқ)лари яшаган [10]. Ўзбекистон воҳалари ва тоғ-дарё водийларида аҳоли кенг чўлларга нисбатан анча зич бўлганлиги жуда куп этник ва бошка ижтимоий гурухларнинг яқин қўшни бўлиб, ҳатто ийирикроқ қишлоқларда, маълум даражада, аралашиб яшашликлари учун ҳам шароит яратган. Бундай ижтимоий-этник шароит топонимия таркибида жуда кўп этник, қабила-уруғ ва бошқа типдаги гуруҳ номларининг кўпайиб кетишига сабабчи бўлган.

Қисқаси, Зарафшон дарёси ҳавзалари каби Қашқадарё дарёси ҳавзасидаги аҳоли ҳам Амударё ва Сирдарё, Чу ва Талас (Жануби-Шарқий Қозоғистон – Марказий Қирғизистон) каби Марказий Осиёнинг қадим дарёларидан бири сифатида минтақанинг ўтроқ ва чорвадор аҳолиси учун макон вазифасини бажариб келган [11]. Бу ҳолат нафақат қадим ва ўрта асрларга оид ёзма манбалар, балки Қашқадарё воҳаси топонимикасида ҳам ўз аксини топган бўлиб, улар орасида бугунги кунгача сақланган этнотопонимлар алоҳида ўрин тутади.

Қашқадарё воҳасида XX асрда мавжуд бўлган тарихий-географик номлар қарийб уч минг йиллик (яъни милоддан олдинги биринчи минг йиллиқдан XX асргacha) тарихий жараёнларнинг маҳсулидир. Бу каби жараёнларнинг негизида сиёсий ва этномаданий воқеликлар ётади. Айниқса, Марказий Осиё тарихида юз берган миграцион жараёнларга Қашқадарё воҳаси мисолида кўз ташланганда бу масала ўз ечимини топади.

Ўз табиий-географик жойлашувига кўра қадимдан ўтроқ ва кўчманчи этносларни ўзига тортиб келган Қашқадарё воҳаси шимолдан қўшниси Зарафшон воҳасининг шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудлари орқали Кизилқум чўллари – Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси йўналишидан ҳаракатланган чорвадор кўчманчиларнинг, жануб ва жануби-ғарбдан эса кўпроқ дехқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ этносларнинг кириб келишига шароит

яратган. Айниқса, биринчи йўналишдан кўп асрлар давомида туркийларнинг чорвадор қабилаларининг муттасил равишда Зарафшон воҳасига кўчиб келиб, ўтроқлашганлиги тарихий ёзма манбаларда ўз ифодасини топган [12]. Шунингдек, турли тарихий даврларда воҳанинг хар иккала қисми ҳам кўчманчи, ҳам асосий машғулоти дехқончилик бўлган этносларнинг кириб келишлари кузатилади. Шу жумладан, шимоли-гарбдан Хоразм воҳасидан кўчишлари бўлганидек [13], жануби-гарбдан ўтрок эронликлар ва кўчманчи арабларнинг кириб келганликлари билинади [14].

Маълумки, XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистонда этник жиҳатдан аралаш яшашининг тўрт хил тури мавжуд бўлган:

- 1) ҳар хил миллат ва элатларнинг, яъни юқори даражадаги этник гурухларнинг аралаш яشاши;
- 2) бир ҳалқни (элатни) ташкил қилган ҳар хил уруғларнинг, яъни ўрта даражадаги этник гурухларнинг, аралаш яшаши;
- 3) битта қабилага мансуб бўлган уруғ ва қариндош-оилавий гурухларнинг, яъни кичик этник гурухларнинг аралаш яшаши;
- 4) мураккаб аралаш яшаш, яни турли даражадаги этник гурухларнинг аралаш яшаши.

Кичик этник гурухлар – уруғ, қариндош-оилавий гурухлар аралашиб яшashi шакли маълум даражада яхлит ҳолда эгаллаб, унда ёйилиб, майда қишлоқ ва овулларга сочилган ҳолда жойлашиб қолган уруғларда учрайди [15]. Бундай жойда уруғнинг тармоқ уруғ ва кичикбўлимлари алоҳида қишлоқча, овул ва роботларда бир-иккитадан гурухлар ҳолида жойлашиб, яшаш жойлари ҳам шу гурухлар номи билан аталади. Шу сабабли, агар этнограф мазкур қабиланинг шажарасини яхши билса, шу ҳудуд картасидаги жой номларига қараб, уруғ ўрнашган майдон (ареал) чегарасини ва ўтроқлашиш пайтидаги шажаравий таркибини бемалол аниқлай олади.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги ҳар бир кичик қишлоқ ёки овулнинг аҳоли таркибиға назар ташланганда, ҳар қандай аҳоли масканида битта-иккитадан патриархал гурух (уруғ ёки тармоқ)лар яшаган бўлиб чиқади. Минтақанинг Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларидан фарқли ҳолда Ўзбекистондаги воҳа ва тоғ, дарё водийларида аҳоли кенг чўлларга нисбатан анча зич бўлганлиги бу ерда жуда кўп этник ва бошка ижтимоий гурухларнинг яқин қўшни бўлиб, ҳатто йирикроқ қишлоқларда, маълум даражада, аралашиб яшашликлари учун ҳам шароит яратган. Бундай ижтимоий-этник шароит ушбу республиканинг топонимик қатламида кўплаб этник гурухлар, қабила-уруғ ва бошқа типдаги гурух номларининг кўпайиб кетишига олиб келган. Бу ҳолат Қашқадарё воҳаси учун ҳам хос бўлиб, XX аср бошларида ҳам анча кенг кузатилган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё воҳаси ўзбек аҳолисининг шаклланиш тарихини тадқиқ этишда топономик маълумотларнинг аҳамияти билан танишиб чиқиш шуни кўрсатиб турибдики, бу худуд ўзбек халқи шаклланиши билан боғлиқ барча тарихий жараёнларни ўзида қамраб олган. Яъни қарийб икки ярим минг йил даваомида Ўрта Осиё, хусусан, бугунги Ўзбекистон худудида юз берган ижтимоий-сиёсий ва миграция жараёнларининг деярли барчаси Қашқадарё воҳасида у ёки бу даражада ўз ифодасини топган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1988. – Б. 17-218; Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области: автореф...дис... кан-та фил.наук / Т. Нафасов. – Т., 1968. – 30 с.; Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Б. 3-36.
2. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Б. 210, 223, 290.
3. Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области: автореф...дис... кан-та фил.наук / Т. Нафасов. – Т., 1968.
4. Ўзбекистон араблари ҳақида / <https://www.uzanalytics.com/tarix/6429/>
5. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Б. 59-69, 159, 163, 408.
6. Хомидов Д.Р. Лингвистическое исследование гидронимов региона исторического проживания таджиков в
7. Мавераннахре. Автореф. дисс. докт. фил. наук. – Душанбе: ТНУ, 2018. С. 39-41; Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Б. 22-26.
8. Қораев С. Географик жойлар маъноси. – Тошкент, 1978. – Б. 54.
9. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Б. 282, 284, 318.
10. Караев С. Топонимия Узбекистана (Социолингвистический аспект). – Т.: «Фан», 1991. – С. 5-6, 40-41; Хомидов Д.Р. Лингвистическое исследование гидронимов региона исторического проживания таджиков в Мавераннахре. – С. 40-42.
11. Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.). – Т.: Muharrir nashriyoti, 2018. – С. 111-117.
12. Bregel Y. An historical atlas of Central Asia. – Р. 2
13. Bregel Y. An historical atlas of Central Asia. – Р. 6-23, 28-32, 36-41, 50-59.
14. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи историей кварталов). – М., Наука, 1976. – С. 105, 126, 152, 160, 166, 224; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана. – С. 118
15. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси (XIX аср ўрталари – XXI аср бошлари). – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 31-80.
16. Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана. – С. 111-117.